

## **QODIR BAXSHI RAXIM O'GLI HAYOTI VA IJODI**

**Malikov Akbar**

*Respublika baxshichilik san'ati markazi*

*Ustoz shogirt bo'limi xodimi*

*Annotatsiya maskur maqolada o'lkamizdagi dostonchilik maktablarining yirik vakillari “Qodir Baxshi Raxim O'gli ” hozirgi kungacha saqlanib kelgan o'ziga xos an'analari va xususiyatlari haqida baxs yuritga*

*Kalit so'zlari: baxshichilik, bola baxshi Qodir Baxshi Raxim O'gli hayot ijodi baxshi an'ana*

### **Qodir Baxshi Raxim O'gli**

Qodir Baxshi Raxim O'gli Qўлидаги дўмбирасини сайратганча, бадииятнинг сеҳрли оламидаги сўз гавҳарларидан ғаройиб маржонлар шодасини тиза билган ноёб иқтидор соҳиби Қодир бахши Раҳим ўғли (Абдиқодир Раҳимов) 1937 йил 16 апрелда Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидаги Хўжамахмуд қишлоғида дунёга келди. Болалик йиллариданок шерободлик атоқли бахши Шерназар Бердиназар ўғли дostonчилик мактабининг йирик вакиллари – Ражаб бахши Нормурод ўғли, Умр шоир Сафар ўғли, Турди шоир ва бошқа устоз бахшилардан дostonчилик ва терма ижрочилиги санъатини катта қизиқиш билан ўрганди. 1966 йилда 45 Қарши давлат педагогика институти (ҳозирги Қарши давлат университети)ни тамомлаган. Қодир бахши Раҳим ўғли умрининг охирига қадар, яъни 1986 йилнинг августигача ўзи туғилиб-ўсган Хўжамахмуд қишлоғидаги Бобур номидаги ўрта мактабда ўқитувчилик қилиш билан бир қаторда тўй-ҳашамларда, йилбоши-Наврўз байрамларида, халқ ижоди кўрик-танловлари, турли маданий-маърифий тадбирларда анъанавий дostonлар ҳамда ўзи яратган асарларни маҳорат билан ижро этиб, мухлислари меҳрини қозонган. Бахшилар орасида “Қодир Раҳим ўғлидай қумқулоқ бахши ҳали туғилгани йўқ”, деган нақл юриши ҳам бежиз эмас. Чинданда, Қодир бахши

хотирасининг ўткирлиги, нозик сўз ўйинларини тезда илғай билиши, бадихага ғоятда чечанлиги билан ўзига тенгқур бахшилар орасида алоҳида ажралиб турарди. У ўз устозларининг репертуаридаги етмишдан ортиқ анъанавий дostonларни, юзлаб термалар, кўплаб дўмбира куйларини пухта ўзлаштириб олиб, ёдида сақлаб юрар ва маҳорат билан куйлар эди. Бахшининг репертуари “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Ширин билан Шакар”, “Рустамхон”, “Муродхон”, “Зайдиной”, “Балхувон”, “Гавҳаройим”, “Ойчинор”, “Келиной”, “Мисқол пари”, “Равшанхон”, “Ёзи ва Зебо”, “Оллоназар Олчинбек”, “Олтин қобок”, “Нурали” каби анъанавий дostonлардан иборат бўлганлиги маълум. Бадихагўйлиги ва шоирлик иқтидори кучли бўлган Қодир бахши Раҳим ўғли халқ орасида кенг тарқалган 46 анъанавий дostonларни ижро этиш билангина чекланиб қолмасдан, ўзи ҳам бадий ижод билан мунтазам равишда шуғулланиши натижасида “Жаҳонгир Темур”, “Аҳмад Яссавий”, “Ота дуоси”, “Махтумқули”, “Ойша”, “Эшқора билан Дўстқора”, “Даврим фарзанди”, “Отибахт полвон” сингари янги дostonларни яратиб, халқимизнинг эпик ижодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшди. 1981 йили Қодир бахши Раҳим ўғли Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Анъанавий дostonлар ва термаларнинг моҳир ижрочиси, дўмбира куйларининг билимдони сифатида халқ орасида ном чиқарган Қодир бахши мамлакатимизда ўтказилган бахшишоирлар ва жировларнинг кўрик танловларида, халқ бахшиларининг I ва II Республика олимпиадасида, ЮНЕСКО томонидан Москва ва Париж шаҳарларида ўтказилган VII ва VIII Халқ ижодиёти халқаро Конгрессларида иштирок этиб, совриндор бўлган. У 1982 йилда Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган “Шарқ халқларининг дoston мусиқаси” мавзусидаги халқаро анжуманида “Алпомиш” дostonини ўттиздан зиёд куйда мароқ билан ижро этиб, ўзбек бахшиларининг созандалик маҳорати нақадар теранлигига ҳаммани қойил қолдирганлигини кўпчилик мутахассислар ҳалигача эслашади. Қодир бахши Раҳим ўғли ижро этган ва унинг ўзи яратган дostonлардан бир нечаси ҳозирга қадар нашр этилиб, халқ оғзаки бадий ижоди мухлисларининг бебаҳо мулкига айланди. 47 Хусусан,

1985 йилда “Ўзбек халқ ижоди” кўп жилдли “Ойчинор” достони нашр этилди. Шунингдек, “Аҳмад Яссавий” (1999), “Келиной” (2011) дostonлари ҳам нашр қилинди. Бахши ижросида ёзиб олинган “Ойчинор” дostonи фольклоршунос олимлар Тўра Мирзаев ва Жаббор Эшонқуловлар томонидан нашрга тайёрланиб, 2007 йилда Анқарада турк ва ўзбек тилларида нашр қилинди. Қодир бахши Раҳим ўғли 1986 йил август ойида фожиали ҳалок бўлди. Аммо бахшидан яхши ном, ўлмас терма ва дostonлар, қобил фарзандлар ва зукко шогирдлар қолди. Ўзидан ўнлаб дostonлар, термалар, дўмбира куйлари қолдирган Қодир бахши Раҳим ўғли маънавий маданиятимиз ривожига муҳим ҳисса қўшди. У ўтган асрнинг 70-80 йилларида дostonларнинг моҳир ижрочиси ва ижодкори сифатида бахшичиликка янгича руҳ олиб кирди ҳамда анъанавий дostonчиликнинг ривожланишига замин яратди. Чунки унинг ижодий анъаналарини бугунги кунда муваффақият билан давом эттираётган фарзандлари – Абдуқаҳҳор бахши Қодир ўғли ва Абдумурод бахши Қодир ўғли, шунингдек, иқтидорли шогирдлари Бобораҳим бахши Маматмурод ўғли, Абдуназар бахши Поёнов “Ўзбекистон халқ бахшиси” фахрий унвонига сазовор бўлдилар. Бундан ташқари, ўнлаб бахшилар унинг дostonларини тилдан қўймай куйлаётганликлари Қодир бахши Раҳим ўғли анъаналарининг барҳаётлигидан далолат беради

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Афзалов М. Ўзбек халқ бахшилари // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1946. – 10-11-сонлар, 141-бет.
2. Афзалов М. Мамадрайим бахши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1960. – 2-сон, 69-70-бетлар.
3. Зарифов Ҳ. Ўзбек фольклори. – Тошкент, 1939 йил.
4. Муродов М. Сарчашмадан томчилар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 йил.
5. Муродов М., Эргашев А. “Алпомишнома”. Иккинчи китоб. Қашқадарё вилояти талқини. – Тошкент: Меҳнат, 2000 йил.
6. Мирзаев Т. “Алпомиш” дostonининг ўзбек вариантлари.